

**МАЛЕК БЕННАБИНИНГ ТАМАДДУНГА
ЁНДАШУВИНИНГ ИЖТИМОЙ-ИНТЕЛЛЕКТУАЛ
АСОСЛАРИ**

Badrane Benlahcene



THE SOCIO-INTELECTUAL FOUNDATION
OF MALEK BENNABI'S APPROACH TO
CIVILIZATION

ПТТ «Китобларининг қисқача сериялари»

*Малек Беннабининг тамаддунга
ёндашувининг ижтимоий-
интеллектуал асослари*

Бедран Бенлахсен



Халқаро ислом тафаккури институти (ИИТ)

Бишкек 2022

УДК 297
ББК 86.38-6
Б 38

Китоб ҳомийси:

Халқаро ислом тафаккури институти (ИИТ)

Херндон Виржиния АҚШ

Билимлар интеграцияси институти (ИКИ)

Гуржистон Тбилиси

Китоб муаллифи: Бедран Бенлаҳсен

Китобни ўзбекчага таржима қилган: Эшбаева Раҳат: – Б.: 2022

Китоб муҳаррири: Мирзахидова Муяссар

Ушбу китоб муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланган. Нашриётнинг ёзма рухсатисиз ҳамда лицензион шартномага асосланган қонуний истисно ва қоидалардан ташқари, китобнинг бирон бир қисми нашр қилиниши мумкин эмас. Ушбу китобда билдирилган қарашлар ва фикрлар муаллиф ёки нашриётнинг фикрларини ақс эттириши шарт эмас. Ташқи ва хорижий web-сайтларда ношир URL манзилларнинг тўғрилиги учун жавобгар эмас ва бундай сайтлардаги материалларнинг аниқ ёки долзарблигига қафолат бермайди.

«Эҳсон Хайрия» жамоатчилик фонди томонидан нашр қилинган.

**Ушбу китоб Қирғизистон мусулмонлари диний идораси томонидан
тасдиқланган №60**

**Малек Беннабининг Тамаддунга ёндашувининг ижтимоий-интеллектуал асослари
(Uzbek)**

Бедран Бенлаҳсен

ИИТ «Китобларининг қисқача сериялари»

© Халқаро ислом тафаккури институти (ИИТ)

1444 АН / 2022 СЕ

Paperback ISBN 978-9967-08-959-4

The socio-intellectual foundation of Malek Bennabi's approach to Civilization (Uzbek)

Badrane Benlahcene

ИИТ «Books-In-Brief Series»

The International Institute of Islamic Thought (IIIT)

1434 АН / 2013 СЕ

Paperback ISBN 978-1-56564-596-7

IIIT

P.O. Box 669

Herndon, VA 20172, USA

www.iiit.org

Барча ҳуқуқлар ҳимояланган

ISBN 978-9967-08-959-4

УДК 297

ББК 86.38-6

Халқаро ислом тафаккури институтининг китобларининг қисқача сериялари

Халқаро ислом тафаккури институтининг китобларининг қисқача сериялари – бу китобнинг асл мазмуни тўғрисида ўқувчиларга тушунча бериш учун мўлжалланган қисқача шаклда ёзилган институтнинг муҳим нашридир. Қисқа, осон ўқиладиган, вақтни тежайдиган шаклда ишлаб чиқарилган ушбу бириктирилган тезислар катта нашрнинг диққат билан ёзилган кўринишини тақдим этади ва китобхонларни бу китобнинг асл нусхасини ўрганишга ундайди.

Малек Беннабининг Тамаддунга ёндашувининг ижтимоий-интеллектуал асослари асари 2011-йилда тўлиқ нашр этилган. Самуел Хантингтоннинг «Тамаддунлар тўқнашувими?» номли асаридан кейин тамаддун ва низолар мавзуси дунё тартиботи ҳақидаги мунозараларда талқин қилина бошланди. Таниқли Жазоир зиёлиси ва олими Малек Беннаби (1905-1973) мусулмонларнинг таназулга учраши сабабларини, Ғарб тамаддунининг ютуқлари ва уларнинг сабабларини ўрганиш билан шуғулланган. У назарийлаштирган асосий муаммо Қуръонда ёки Ислом динида эмас, балки мусулмонларнинг ўзларида деган фикрни илгари суради. Ушбу тадқиқотда Беннабининг метаназария методологиясидан фойдаланган ҳолда тамаддунга ёндашувининг тезисларини ўрганиш, унинг ички-ташқи ҳамда ижтимоий-интеллектуал омиллар бошқариши ҳамда тамаддуннинг ўзи учун тенглама яратилиши мумкинлиги борасидаги назариясининг энг қизиқ элементларидан бири ҳақида кўшимча маълумот олиши ҳақида изланишлар олиб борилган.

Инсон + Тупроқ + Вақт = Тамаддун тенграмасида Беннабийнинг фикрига кўра дин энг муҳим катализатор бўлиб унинг аҳамияти мусулмонлар таназулининг акси сифатида баҳоланади. Аниқ кўриниб турган нарса шундаки, Беннаби учун Инсон ҳар қандай тамаддун жараёнида марказий

куч бўлиб, у ҳолда бошқа иккита элемент ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас. Натижаларга келсак, Беннабининг агар мусулмонлар ўзларининг руҳий ҳолатини ўзгартирмасалар, улар жамиятдаги мазмунли ўзгаришларга ҳеч қандай таъсир кўрсата олмайди деган ишончи, Қуръонда акс эттирилган: «Албатта, одамлар ўзларини ўзгартирмагунча, Аллоҳ ҳеч қачон уларнинг аҳволини ўзгартирмайди». (13:11)

Бедран Бенлаҳсеннинг асарини қискартирилган наشري
МАЛЕК БЕННАБИНИНГ ТАМАДДУНГА ЁНДАШУВИНИНГ
ИЖТИМОЙ-ИНТЕЛЛЕКТУАЛ АСОСЛАРИ

ISBN hbk: 978-1-56564-368-0

ISBN pbk: 978-1-56564-367-3

2011

СЎЗ БОШИ

Ушбу китоб Жазоирнинг таниқли мутафаккири ва буюк мусулмон зиёлиси Малек Беннаби (1905-1973) ижодига бағишланган бўлиб, унинг методикаси ҳамда фалсафасига янги тушунчалар киритди. Тадқиқотлари натижасида мусулмонларнинг таназулга учраш сабаблари ва Ғарб тамаддуни ва маданияти ютуқларини очиб берган Беннаби, муаммолар Қуръонда ёки Ислом динида эмас, балки мусулмонларнинг ўзларида деган хулосага келди. Мустамлака таъсири ва тамаддунни бошқарувчи омиллар ҳақидаги ҳақиқий тасаввур мусулмон дунёсининг муаммоларини ҳал қилиши ҳамда мусулмонларнинг янги интибоҳини бошлаши мумкин.

Асарда Беннаби тамаддунга бўлган ёндашуви ва метаназария методологиясининг *Му (Ми)* ёрдамида яратилган тамойиллар ўрганилиб, Беннабининг тамаддунга фанлараро ёндашувининг тақдим этилиши ҳамда унинг асосий тузилишини таҳлил қилиш учун мавжуд адабиётлар доирасидан ташқарига чиқади. Бу Беннабининг ички-ташқи ва ижтимоий-интеллектуал омиллар тамаддунни бошқариши ва тамаддуннинг ўзи учун тенглама яратилиши мумкинлиги ҳақидаги назариясини таъкидлайди.

Беннабининг фикрига кўра, дин бу Инсон + Тупроқ + Вақт = Тамаддун тенгласининг энг муҳим катализатори бўлиб, унинг аҳамияти мусулмонлар таназулининг акси сифатида баҳоланади. Беннаби учун Инсон ҳар қандай тамаддун жараёнининг марказий кучи бўлиб, у ҳолда бошқа икки элементга аҳамият берилмайди.

Беннабининг, мусулмонлар аввало жамиятни ёки тамаддунни муваффақиятли ўзгартирмасдан олдин ўзларининг руҳий ҳолатларини ўзгартиришлари керак, деган эътиқоди Қуръоннинг 13:11-оятда кўрсатилган: «Албатта, одамлар ўзларини ўзгартирмагунча, Аллоҳ ҳеч қачон уларнинг аҳволини ўзгартирмайди».

Тамаддунни ва глобал ўзгаришларни ўрганиш зиёлилар доираларида муҳим ўрин тутмоқда. Кўпгина тадқиқотчилар ва олимлар етакчи тамаддунчиларнинг асарларини кўриб чиқишга чақирдилар. Ибн Холдундан бери мусулмон дунёсининг биринчи ижтимоий файласуфи ва соция-

листи Беннаби инсоният жамиятларини ҳамда тамаддунини бошқарадиган, уларнинг тарихдаги тақдирини белгилайдиган универсал қонунлар ҳамда асосий тамойилларни излади. Муслмон тамаддунининг таназулга учрашидан хавотири уни сабабларини таҳлил қилишга ва ечимларни тақлиф қилишга ундади. Иқтисодиёт, сиёсат ва мафкура билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилиш ўрнига, у ғояларни тамаддуннинг ривожланишини катализатори ролини сифатида таъкидлади.

Ислом ва ижтимоий фанларни чуқур англаган ҳолда, Беннаби инсоният жамиятларининг фаолиятига ва маданият ҳамда тамаддун динамикасига универсал нуқтаи назардан ёндашди. У ижтимоий-тарихий ҳодисаларни ўрганиш учун ижтимоий муаммоларни тамаддун доирасида ҳал қилишни мақсад қилган. У шундай деди: «Ҳар бир халқнинг муаммоси, моҳиятан унинг тамаддунидадир».

Беннаби фалсафаси – Исломни чуқур англашга асосланган яхлит талқин тизимидир. Унинг тамаддуннинг тарихий йўналишини ўрганишга ёндашиши, муслмонлар тамаддунининг инқирозини аниқлашга, унинг келиб чиқиши ҳамда ечимларини тушунтиришга ёрдам беради. Унинг илмий тайёргарлиги тарихий, ижтимоий ва фалсафий дунёқараш билан бирлашиб, унга Европа тамаддунини таҳлил қилишга, Умнатнинг кучли ва заиф томонларини ўзига хос фикрлаш ҳамда таҳлил қилишга имкон берди. Ушбу тадқиқот Беннабининг тамаддунга ёндашувига таъсир қилган турли омилларни аниқлашга қаратилган. Бу унинг воситалари, усуллари, тушунчалари ва назарияларини кўриб чиқади, шунингдек, унинг жараёни ҳамда ёндашувини таҳлил қилади. Яқуний мақсад замонавий тамаддун ва унинг ижтимоий ҳаётдаги оқибатларини англаш ҳамда қарор қабул қилувчилар учун тамаддун асосларини яратишдир.

Беннабининг метаназарий ёндашуви интеллектуал ҳаракатларни акс эттиради, XIX асрнинг бошларидан бери кенг қамровли таҳлил тизими орқали муслмон дунёси қоқоқликни бартараф этиш ва муслмон тамаддунини қайта фаоллаштиришга интилиб келмоқда. Натижада пайдо бўлган фанлараро ёндашув тарих фалсафаси, ижтимоий фанлар ва Ибн Холдун меросидан келиб чиққан. Ушбу нуқтаи назар муслмон дунёси ва бошқа халқлардаги турли хил дилеммаларни аниқлаш учун жуда муҳимдир.

Беннабининг тамаддун назариясини яхшироқ баҳолаш учун биз Жорж Рицернинг метаназарий ёндашувини ва ижтимоий назариянинг асосини мунтазам ўрганиб чиқамиз. У Беннаби ғоялари ривожланишининг асосий соҳаси бўлган исломий интеллектуал ва маданий асосларга янада тизимли равишда мослашади. Муаллиф метаназариянинг *Ми* (*Му*) биринчи туридан фойдаланади. Ушбу тадқиқотнинг мақсади Беннабининг тамаддун назариясини метаназария (*Ми*) субтипининг тўрт ўлчови билан яхшироқ тушунишдир.

Ми (*Му*) назарияни чуқурроқ англаш учун мавжуд назарияни ўрганишни ўз ичига олади. Унинг ички-ижтимоий ўлчови тадқиқот соҳасига киради, шунингдек, когнитив эмас, балки ижтимоий омилларга эътибор беради. Ташқи-ижтимоий ўлчов юқори даражага ўтиб, каттароқ жамият ва унинг назарийлаштиришга таъсирини кўриб чиқади, шу билан бирга назария жараёни ҳамда турли институтлар ўртасидаги муносабатларга урғу беради. Беннаби ғоясида ушбу ўлчов ташқи ижтимоий омиллар ўртасидаги муносабат ва унинг ёндашувини шакллантириш ҳамда ривожлантиришга қаратилган.

Ички интеллектуал ўлчов тамаддунни ўрганиш учун анъанавий равишда ички интеллектуал ёки когнитив масалалар қаралган. Бунга асосий когнитив парадигмалар, тафаккур мактаблари, парадигма ўзгаришлари ва метатеологик воситаларнинг ривожланишини аниқлашга уринишлар киради. Ташқи интеллектуал ўлчов тамаддунни ўрганиш учун ғоялар, воситалар, тушунчалар ва назариялар учун бошқа ўқув фанларига мурожаат қилади. Беннабининг мисолида бу ўлчовлар Қуръоннинг, мусулмон дунёсидаги диний фикрлар, фалсафа, психология, табиатшунослик ва бошқа интеллектуал фаолиятнинг тамаддун тадқиқотлари ҳамда унинг иккита устун парадигмаларидан ташқаридаги таъсирини ўз ичига олади.

Ми (*Му*) мавжуд назарияларни тушуниш, баҳолаш, танқид қилиш ва такомиллаштириш учун тизимли усулларни тақдим этади. Метаназариячилар мунтазам равишда батафсил, кўпинча таққосланадиган ижтимоий назарияларни ўрганадилар. *Му* мавжуд назарияларни етарлича баҳолаш ва танқидий таҳлил қилишга имкон беради. Ушбу тадқиқотнинг қиёсий усули Беннабининг тамаддунга бўлган муносабатини тушуниш ва унинг ёндашувини Ибн Холдун ҳамда бошқалар билан таққослаш учун *Му* мо-

делидан фойдаланади. Ушбу тадқиқотда тарихий таҳлил, қиёсий таҳлил ва контент-таҳлил бирлаштирилади ва аралаш усул услубидан фойдаланилади. Таққослаш орқали муаллиф Беннабининг ёндашуви ва бошқалар ўртасидаги фарқларни ҳамда ўхшашликларни тушуниб, кашф этмоқчи. Таркибни таҳлил қилиш услуби Беннабининг тушунчалари, тахминлари ва атамаларига мурожаат қилиб, унинг ифодаларини тушуниш, ёндашувининг асосини очиб бериш ҳамда Муга асосланган чуқур тушунчалар тизими сифатида унинг турли хил ғояларини кўриб чиқиш. Мураккаб ижтимоий оламга мурожаат қилиш учун эпистемологик восита бўлган микро-макро доимийлик ҳам қўлланилади.

Беннабининг асосларини ва унинг тамаддунга бўлган муносабатини таҳлил қилиш учун ушбу тадқиқотнинг асосий манбалари Беннабининг асарлари бўлиб, у ўзининг барча китобларини битта *Мушкилат ал-ҳадараҳ* (*Mushkilāt al-ḥadārah*-тамаддун муаммолари) номи билан нашр этган, унда ижтимоий фан ва унинг турли соҳалари, тарих фалсафаси, антропология, тарих ва бошқа фанлар бўйича асарларни қўллаган. Муаллиф иккинчи даражали манбалар сифатида бошқа асарлардан фойдаланади.

БИРИНЧИ БОБ

Тамаддун: назариялар ва ёндашувлар

Фанлараро ёндашув тамаддун назарияси ва тадқиқотлари учун энг самарали ҳисобланади, чунки у ходисанинг барча жиҳатларини камраб олади. Тарих давомида «тамаддун» назарияси ва унинг масалаларига ёндашувларнинг ривожланишини ўрганиш тамаддун тадқиқотлари соҳасида доминант парадигмалар ва мактабларни аниқлашга ёрдам беради. Тамаддун тушунчасининг турли хил халқлардаги хилма-хил маданий ва лингвистик анъаналардан қандай пайдо бўлганлигини аниқлаш, айниқса Ғарб ва мусулмон анъаналарида жуда қийин масала. Тамаддуннинг турли соҳаларига берилган турли хил таърифлари бўйича тортишувлар ҳам кўп. Кўпгина тадқиқотчилар тамаддун – энг кенг тарқалган маданий ҳосилалар эканлигига қўшилишади. Хантингтон тамаддунни ҳамма вақт давомида тарих ва тамаддун контекстида жойлаштирган, шунингдек,

тамаддуннинг марказий хусусияти бўлган дин билан бирлаштиради, бу ғояни Ибн Холдун, Тойнби, Беннаби ва бошқа тамаддунни ўрганган олимлар ҳам илгари сурганлар.

Ислом ва Пайғамбар Муҳаммад (С.А.В.)* қабилавий араб жамиятидаги ижтимоий муносабатларнинг асосларини турли ижтимоий қатламлар ва этник гуруҳларни бирлаштирган ғояларга асосланган фуқаролик Ислом маданиятига ўзгартирди. Пайғамбаримиз Муҳаммад (С.А.В.) янги жамият ва тамаддуннинг асосчиси сифатида шаҳарларнинг ривожланиши кўчманчи ва қабилавий маданият ўрнини босиши кераклигини тушунган. Унга Мадина шаҳри тамаддунни ўзгартириш учун марказ бўлган.

«Тамаддун» атамаси биринчи марта мусулмонларнинг маданий анъаналарида 14-асрда Ибн Холдуннинг ёзувларида пайдо бўлган. У Ғарбнинг «тамаддун» атамаси билан таққосланадиган *ҳадараҳ* (*ḥadārah*) ҳамда *Умран ва Илм ал Умран* (*‘Umrān & ilm al-‘Umrān*) «Тамаддун ҳақидаги фан»ни киритди. Ибн Холдун тамаддунни одамлар яшаши ва биргаликда жойлашишлари учун зарур бўлган давлат деб билган. Унинг назарияси инсон тамаддуни жараёнида ҳодисанинг динамик хислати асосида ётади.

Тамаддун тушунчаси 19-асрнинг охирларида Ислом уйғониши ва замонавий Европа билан биринчи тўқнашувида мусулмон зиёлилари орасида янада ривожланди. *Ҳадараҳ* (*ḥadārah*) тушунчаси араб дунёсидаги илмий ва интеллектуал доиралар орасида машҳур бўлиб, Беннаби уни «тамаддун»ни белгилаш учун биринчилардан бўлган. Мусулмон оламининг бошқа тилларида *маданият* (*madaniyyah*) ёки унинг ҳосилалари ишлатилган. Мусулмон ва Ғарб қарашлари тамаддунининг ибтидоий элементлари қатори: шаҳардаги уй, тартиб ёки ташкиллаштириш ва кам ҳаракат ҳаётни тасаввур қиладилар. Ҳар хил тилларда тамаддун маъносини англатувчи тамаддун таркибида шаҳар жамияти, бошқарувнинг баъзи бир шакли, саводхонлик шакли, одамларнинг ўз атрофини ва ҳаётини ўзгартира олиш қобилияти, ихтисослашган функциялари, ижтимоий муносабатлар тармоғи ҳамда этикод тизими, Худо ёки Илоҳ назарияси сингари сўзлар ишлатилади.

* (С.А.В.) – соллаллоҳу алайҳи васаллам. «Аллоҳнинг саломи ва саловати бўлсин». Пайғамбаримиз Муҳаммаднинг номи зикр қилинганда айтилади.

Тамаддунларнинг асосий фазилатлари тўғрисида келишувга қарамай, истиқбол, методология, йўналиш ва тушунчаларда фарқлар мавжуд. Фалсафа, тарих ва ижтимоий фанларнинг доминант парадигмаларида турли хил ёндашувлар антропология ва ижтимоий фаннинг субпарадигмалари билан кўриб чиқилади. Тақдимот умуман тамаддун масаласини ва хусусан Беннабининг назариясини тушуниш учун асос яратади.

Тарих фалсафаси воқеаларни оқилона тушунтиришга интилиш сифатида пайдо бўлди. Тарих ўтмишдаги ҳаракатлар, воқеалар ва вазиятларни ўрганиш «биринчи ўринда» бўлса, тарих фалсафаси ушбу мавзуларни ўрганишда «иккинчи ўринда» туради. Тўғридан-тўғри воқеалар, ҳаракатлар ва вазиятлар билан шуғулланмасдан, уни «мета» ўрганиш деб ҳисоблаш мумкин. Бунинг ўрнига, бу билвосита ўрганиш ўтмиш ҳақида тушунтириш ва батафсил жавобларни излашга интилади. Тарих файласуфлари тарих жараёнининг ҳар томонлама қарашларини ўрганадилар.

Тарихчилар ўтмишни, жамият нима учун ўзгаришини, тарихдаги шахслар ва уларнинг ўрни ҳамда тарихий ҳаракатлардаги универсал шакллари тасвирлашга интилишади. Баъзи тафаккур мактаблари илоҳий ироданинг мавжудлигини таъкидлаган, бошқалари эса тарихий жараёнда шахснинг ёки иқтисодий ва бошқа кучларнинг ролини юқори даражага кўтарган. Платон, Гердер, Ҳегел ва бошқа кўплаб Европа мутафаккирлари яхудий-насронийларнинг вақт ва тарихга бўлган қарашларини тарихий даврларнинг классик тушунчаси билан бирлаштирилган тўғри чизикдаги тараққиёт деб ҳисоблашган.

Бирлик асосини таъминлай оладиган умумий қабул қилинган концептуал схемасиз дунё тарихини ёзишга уринганлар учта ёндашувни қўладилар: маданиятлар ёки тамаддунлар кетма-кетлиги ва барча маданиятлар (тамаддунлар) бир хил ривожланишга учраган модели; тараққиёт модели ва инсониятнинг, турли хил халқларнинг оддий параллел тарихлари. Кетма-кетлик модели энг ривожланган ва Ибн Холдун каби буюк тамаддун олимларининг асарларидан пайдо бўлган. Тарих фалсафасининг анъанавий парадигмаси ва унинг тамаддунга бўлган турли хил ёндашувлари билан таққослаганда, ижтимоий фанлар парадигмаси эндигина пайдо бўлмоқда. Антропология инсоният тамаддуни ва маданиятини ўрганишга бағишланган биринчи ижтимоий фан. Тамаддун ан-

тропологик анъана бўйича маданиятнинг энг юқори ҳолати ва жуда кенг маданий ўзига хослигидир. Жамиятшунослар тарихга бошқа томондан қарайдилар. Тарихий жамиятшунослик, авваламбор, ўзгаришлардан тузилган жараёнларнинг ривожланиш моделларини яратмоқчи эмас. Тарихий воқеалар, далиллар ёки институтларнинг ижтимоий томонларини ўрганишда тарихга эътибор қаратилади. Шу нуқтаи назардан, тамаддун кенг кўламли ҳодиса ва узоқ муддатли тарихий-эволюцион ривожланиш жараёни сифатида макрожамиятшуносликка тегишли. Тарихчилар ва тарихий файласуфлар сингари, макрожамиятшунослар ҳам инсон ҳаётидаги ўзгаришларнинг энг асосий жараёнларини таҳлил қилишнинг кўпроқ вақт оралиғида тушунишлари мумкин деб ҳисоблашади.

Замонамизнинг энг долзарб муаммолари тобора кўпроқ макрожамиятшуносликка тегишли деб қаралмоқда ва макрожамиятшуносликка тегишли назария ҳамда ечимларни излашни талаб қилмоқда. Кўпгина макрожамиятшуносликка тегишли муаммолар ва ривожланишларни фақат ижтимоий тенденциялар мағнада тушуниш мумкин. Макрожамиятшунослик, таҳлил бирликларига қаратилган бўлиб, узоқ муддатли жараёнларни, маданий тизимларни, жамиятларни ва тамаддунни таҳлил қилиш орқали кенг кўламли ҳодисаларни ўрганишга ҳисса қўшди. Ўзгаришлар жамиятшунослиги тамаддун ва тарихий ўзгаришларни ўрганиш учун ўзгариш даражаларини ягона ўзгарувчига қараб тоифаларга ажратилиши: ҳажм (оила, жамият, маданият, тамаддун, дунё); давр (тарихий, узоқ муддатли, қисқа муддатли); ёки жиҳат (маданий, интеллектуал ва тамаддунга оид).

Эмпирик йўналтирилган ижтимоий фанлар парадигмаси кўпроқ назарий ва фалсафий саволлардан қочган. Адабиётлар тамаддунни фанлараро ўрганиш ва унинг мураккаблигини тизимли текширишга услубий эҳтиёжни намоёни этди. «Тамаддун»нинг турли хил тушунчалари унинг кўп қиррали хусусиятларини ва ғайритабиий ёндашувларни кўриб чиқишда ёрдам бериши мумкин. Тамаддунни ўрганишни ҳар томонлама бошқариш бўйича бошқа ёндашувларнинг муваффақиятсизлиги шуни кўрсатадики, тамаддунни турли даражаларда ажратилган ҳолда етарли даражада ўрганиш мумкин эмас, лекин уларни глобал нуқтаи назардан тасаввур қилиш керак.

ИККИНЧИ БОБ

Беннаби Тамаддунга ёндашувининг асосий тушунчалари

Беннаби замонавий мусулмон дунёсидаги ислохотчи ва модернистик тенденцияларнинг инқирози сабабларини эътиборсиз қолдириб, фақат аломатларига эътибор қаратаётгани учун танқид қилди. Унинг таъкидлашича, мусулмон дунёсида қайта тикланишни ривожлантириш учун қилинган ҳаракатлар инқирозга нисбатан тизимли ёндашувни келтириб чиқармаган. Беннабининг айтишича муаммо *ал-Муваҳҳиддан* (*al-Muwaḥḥid*) кейинги даврдаги мусулмон маданиятида тарихий жараён мустамлакачиликка йўл очган. Мустамлакачилик ҳозирги мусулмон дунёсидаги вазиятнинг асосий сабаби эмас, аммо бизнинг мустамлака бўлиш олдидagi заифлигимиз кўплаб иккинчи даражали омиллардан биридир.

Беннабининг тамаддун таърифлари ҳар хил. У тамаддун жамиятнинг ҳал қилувчи муаммоларига қарши туриш учун ижтимоий имкониятларни фаоллаштиради деб тан олди ва инсон ҳаётидаги ахлоқий ҳамда моддий жиҳатлар ўртасидаги мувозанатни кўрсатди. Жамият тарих соҳасидаги инсон фаолиятини оқлаганлиги сабабли, жамият ҳар қандай тамаддун жараёнида асосий куч ҳисобланади.

Беннабининг таъкидлашича, ахлоқий ва моддий омиллар инсоният жамиятида мувозанат ва жонли ҳаётни яратиш, бирлик ҳамда бирдамликни яратиш учун жуда муҳимдир. У тамаддунни тузилиши ва ижтимоий моҳияти орқали куйидагича таърифлаган: «... инсон қандай қилиб гуруҳ ичида яшашни ўрганади ва унинг тарихий вазифаларини бажариш учун ижтимоий ҳаёт тармоғининг инсон ҳаётини ташкил қилишдаги муҳим аҳамиятини англайди». Беннаби учун «Тамаддун = Инсон + Тупроқ + Вақт» тенграмаси тамаддунни ифодалайди, бу унинг элементлари ёки қисмларини таркибий жиҳатдан белгилайди. Ҳар қандай тамаддун ҳаракати ёки маҳсулотининг ушбу асосий элементлари шуни кўрсатадики, тамаддун муаммоси учта тоифага бўлинади: инсон, тупроқ ва вақт.

Беннабининг айтишича, одамлар ишлаб чиқарадиган барча нарсалар инсон (*Insān*), тупроқ (*Turāb*) ва вақт (*Waqt*) натижасида ҳосил бўлади.

Ҳар бир жамиятда учрайдиган учта элемент жамиятнинг тамаддун жараёнини бошлаши учун асосдир. Инсоннинг шахсини куриш, тупрокни ишлатиш ва вақтни ташкил этиш масалаларини илмий жиҳатдан кўриб чиқсак, шундагина тамаддун одамларга ривожланиш учун зарур бўлган ижтимоий хизматларни ва ёрдамни тақдим этади. Ушбу тенгламада инсон тамаддуннинг асосий воситаси ва ҳар қандай тамаддун жараёнида марказий кучдир. Беннаби мусулмон дунёсидаги ислохотчилар харақатини инсон омили эмас, балки атроф муҳитни *ислох* қилишга уринишлари учун танқид қилди ва уларни инсонни *ислох* қилишликка чақирди. Унинг таъкидлашича, тамаддун жамиятдаги ролини бажариш учун ўзига хос хусусиятларини ўзининг идеалларига ўзгартирадиган яхлит типдаги одам орқали ривожланади.

Беннабининг фикрига кўра йўналиш (*тавжих-тавҷӣҳ*) тушунчаси, тамаддун харақатидаги уйғунликни, мақсадлар бирлигини ва бир хил манбалардан бошланган ҳамда ўхшаш мақсадларга қаратилган саъй-ҳарақатлар ўртасидаги зиддиятдан сақланишни англатади. Беннаби маданиятга инсонга ижтимоий таъсир қилувчи омил сифатида, жамиятга эса жамоатчилик асосида тузилган орган сифатида қаради. Маданият режими тамаддун йўналишини ва унинг тарихдаги тақдирини белгилайди.

Беннаби тенгламасида дин учта элементни тамаддун жараёнига йўналтириш учун жуда муҳимдир. Тарихда истисносиз барча тамаддунлар диний ғоялар орасида гуллаб-яшнаган. Бироқ, Беннабининг ёндашувида дин инсонни, тупроқни ва вақтни битта лойиҳада тўплайдиган тамаддун жараёнини бошламагунча, катализатор сифатида ўзининг функциясини бошлай олмайди. Унинг таъкидлашича, замонавий тамаддунлар диний ғоя бешигида инсон, тупроқ ва вақтнинг асл динамик синтезини шакллантирган.

Беннаби ҳар қандай харақатнинг таркибий қисми учта тоифага: объектлар, шахслар ва ғояларга тегишли бўлган жамият соҳаларининг келиб чиқиши ва моҳиятини муҳокама қилди. Синтез механизмини ушбу элементларга татбиқ этиш шуни кўрсатадики, барча харақатлар ва ишлар одамлар йиғиндиси, шунингдек, уларга материаллар ёки асбоблар йиғиндиси ҳамда шу харақатлар ортидаги ғоялар йиғиндиси ҳам киритилади. Тамаддунни амалга ошириш инсон томонидан амалга оширилган бар-

ча тадбирлар йиғиндисидан келиб чиқадиган фаолиятнинг тўлиқлигига боғлиқ.

Шахс соҳасида тамаддун ўз жараёнини жамият фаолиятига қўшилган ўзгарган шахс билан бошлайди. Беннабининг «шахслар шохлиги» маълум бир гуруҳ ўртасидаги конструктив ёки бузғунчи муносабатлар йиғиндисини билдиради ва бу муносабатларнинг аҳамиятини таъкидлайди. Бинобарин, жамиятнинг тамаддун жараёнида шахслар томонидан шакланган ушбу тизимдаги муносабатларнинг табиати ёки сифатига асосланади.

Беннабининг фикрига кўра, ғоялар соҳаси муқаддас ёки дунёвий манбалардан олинган таассурот қолдирувчи ғоялардан иборат бўлиб, жамиятни маълум кадриятларга ва ахлоқ қоидаларига йўналтирувчи ҳамда бошқарадиган намуна сифатида ишлайди. Мусулмонлар тамаддунида Қуръон ва Суннатдан олинган таассурот қолдирувчи ғоялар мавжуд. Беннаби тамаддундан олдинги жамиятни тарихга киришга ва унинг архетипларига кўра ғоялар тизимини барпо этишга сафарбар этувчи жонли, динамик ғоянинг натижаси деб ҳисоблайди. Ғоялар жамиятга ўз тамаддунини шакллантириш учун тасвир ва ўзига хос образларни беради ҳамда маданиятни ажратиб турадиган жамиятдаги барча одамлар эргашадиган прототипни шакллантиради. Ғоялар жамият учун тарихдаги ҳар қандай конструктив ролни бажариши учун муҳимдир. Объектлар тамаддун жараёни учун зарур бўлган каналлар, табиий ресурслар ва воситаларни тақдим этади. У жамиятнинг тарихий ҳаракати учун моддий эҳтиёжларни таъминлайди ва ўзининг тамаддун жараёнида жамиятнинг ўрнини ифодалайди.

Беннабининг таъкидлашича, ушбу соҳалар ичида бирон бир тарихий фаолият «ижтимоий муносабатлар тармоғисиз» мавжуд бўлмайди, бу унинг табиати ва динамизмининг ижтимоий-маданий ҳамда тарихий нуқтаи назардан тушуниши билан чамбарчас боғлиқ тушунчадир. Уч соҳадаги диалектик муносабатлар ижтимоий муносабатлар тармоғининг мавжудлигини англатади. Бу тамаддунни барпо этишга уринаётган ҳар қандай тарихий ҳаракатлар учун учта соҳада зарур бўлган минимал муносабатлар билан таъминлайди. Уч соҳа ижтимоий муносабатлар тармоғисиз фаолият юрита олмайди.

Беннаби биринчи навбатда мусулмонлар жамиятини қандай тиклаш, унинг маданиятини қайта жонлантириш ва таназзулга учраган даврдан мерос бўлиб қолган салбий унсурлардан тозалаш билан шуғулланганлиги сабабли, у «мустақиллик жамиятшунослиги» зарурлигини таъкидлади. Ушбу янги жамиятшуносликнинг бошланғич нуқтаси «жамият»ни қайта аниқлашдир. Бу шуни англатадики, агар табиий жамият статик жамият бўлса, тарихий жамият динамикдир. Унинг таъкидлашича, баъзи бир хусусиятлар тарихий жамиятнинг барча турлари учун умумийдир. Ижтимоий муносабатлар тармоғи жамият аъзоларини бир-бирига боғлайди ва фаолиятни ушбу жамиятнинг ўзига хос бўлган умумий вазифаси томон бажаришга йўналтиради.

УЧИНЧИ БОБ

Беннаби Тамаддун ҳаракатининг талқини

Беннаби тамаддун даврини «бир хил бўлмаган маънода ўз йўналишидан келиб чиқадиган рақамлар қаторига ўхшаш» маълум тамаддунлар циклик ва шакл йўналиши бўйича ҳаракат қилишини кўрсатди. Ҳар бир ижтимоий гуруҳ тамаддунга ўзига хос хусусиятни сингдиради ва ҳар бир тамаддун алоҳида ўзига хос хусусиятга эга. Тамаддунлар ўзига хос психо-темпорал шароитлари билан фарқ қиладилар, аммо тарихдаги умумий нақшлари билан ўхшашдирлар.

Беннабининг таъкидлашича, тамаддун даврини унинг асосий элементлари диний ғоя доирасида синтезланганда бошланади ва ушбу асосий элементлар энди динамик алоқада бўлмаганда тугайди. Ҳар қандай тамаддун таназзулга учрагунча ва ривожланиш ҳамда инсониятни бошқаришни тўхтатгунча тарихдаги ўз ролини ўйнайди. Тарихдаги циклини шакллантириш учун яна бир тамаддун янгидан бошланади. Ушбу тамаддуннинг ўткинчи жараёни тарихдаги циклик ҳодисани асослайди. Беннабининг таъкидлашича, ҳар қандай жамият ўз тамаддуни жараёнида тамаддуннинг ўзгаришига олиб боровчи белгиланган қонун-қоидага амал қилади. Тамаддундан олдинги босқични босиб ўтгандан сўнг, жамият ўзининг иккинчи босқичида (тамаддун босқичида) учта босқични бошидан кечиради: қалб (рухий), сабаб (оқилона) ва инстинкт (ички ҳис).

Циклик тушунчалар тарихдаги мавқеимизни аниқлаш, таназзул сабаблари ва тараққиёт имкониятларини аниқлаш орқали ижтимоий муаммоларни ҳал қилиши мумкин. Цикл тушунчаси тамаддун ҳаракатини тушунтириб бера олади ва инсоннинг ижтимоий мавжудлигини таҳлил қилиш ҳамда тушуниш учун асосдир. Беннаби ушбу ғояни Ибн Холдун ижодидан олган ва инсоният тамаддуни маълум бир нуктадан бошланади ва аниқ бир шакл асосида ривожланади деган фикрни билдирган. Якуний босқичда тамаддун қадриятлари бошқа жойга силжийди. Ушбу ўтиш даври цикл мавжудлигини англатади.

Беннаби циклнинг уч босқичи бир вазиятдан иккинчисига ўз-ўзидан ўтиш эмас, балки одамлар ва жамиятдаги чуқур ўзгаришларни ҳамда янгиланишни акс эттиради, деб ҳисоблаган. Учта омил: инсон, тупроқ ва вақтнинг тарихий органик синтезини яратиш учун истисно ҳолатлари зарур. Ушбу синтез жамиятнинг туғилишини билдиради, чунки унинг тарихий ҳаракатининг бошланишига тўғри келади. Ушбу нуктада, ижтимоий қадриятлар ҳали аниқ ҳақиқат ҳисобланмайди.

Ҳар бир тамаддун бошида диний ғоя тамаддун ҳаракатини яратиш учун уруғларни сепади. Кейинчалик, маънавий фаза шахс ва жамият ҳаётида ҳукмронлик қила бошлайди. Ушбу босқичда, парчаланиб кетган одам, ижтимоий муносабатлар тармоғида маънавий жиҳатдан ўсган одамга айланади. Ушбу жараён инстинктларни диний ғоя талаблари билан функционал алоқасини ташкил қилади. Шахс ҳаёт билан, бу янги ҳолат билан, Рух қонунларига боғлиқ бўлади.

Ижтимоий муносабатлар тармоғи ўзининг мукамал ҳолатига келади, диний ғоя эса кенгайиб боради. Шу билан бирга, тамаддун энди янги тартиб ва стандартларни яратиб, янги муаммолар ва заруриятларга дош бера олади. Кейинчалик маънавий босқич жамият ривожланиши, моддий муаммоларнинг кўтарилиши ва тамаддун кенгайиши билан камайиб, тамаддунни иккинчи (рационал) босқичга ўтказди. Тарихда тамаддун ўсишда давом этар экан, энди ақл барча фаолиятни бошқаради. Тамаддун оқилона босқичга ўтиши билан жамият ўзининг ривожланган муносабатлар тармоғидан баҳраманд бўлади, аммо баъзи бир камчиликларга дуч келади. Психологик нуктаи назардан, шахс энди ўзининг ижтимоий функцияларини бажараётганда ҳаётининг энергиясини тўлиқ назорат қила

олмайди. Жамият кучларининг бир қисми ҳаракатсизликка тушиб, бошқалари озайиб кетди.

Тамаддун тарихи давомида унинг эволюцияси жараёни шахснинг психологияси ва жамиятнинг ахлоқий тузилишида намоён бўлади, бу эса индивидуал хулқ-атворни ўзгартиришни тўхтатади. Рационал кучлар шахс фаолияти устидан назоратни йўқотишни бошлаганда, тамаддун руҳий ва рационал кучлардан инстинктив кучлар ҳукмронлик қиладиган янги контекстга дуч келади. Тамаддундан кейинги босқичга ўтади ва унинг кадриятлари инсон, тупроқ ва вақтнинг янги синтезига айланади. Ушбу учинчи босқичда ижтимоий тармоқ йўқ бўлади ва диний ғоялар ёки жамият энди индивидуал инстинктларни назорат қилмайди. Тартибсизлик ва қонунсизлик ҳукм суради. Инстинктлар аста-секин озод қилинади, чунки руҳни бошқариш аста-секин сусаяди.

Инстинктлар бутунлай озод бўлгач, инсоннинг тақдири уларнинг таъсирига тушади, тамаддуннинг учинчи босқичи бошланади ва диний ғоя ўзининг ижтимоий функциясини бажаришни тўхтатади. Бинобарин, бу жамият парчаланиши ва тамаддун циклининг тугашига ишора қилмоқда. Руҳ илҳоми тўхтаганда, ақл билан иш юритиш ҳам тўхтайтиди. Беннаби тамаддунлар диний ғоядан бошланиб, инстинктив кучлар руҳий ва оқилна кучлар устидан ҳукмронлик қилганда тугайдиган ўзаро боғлиқ цикллар деб таъкидлаган. У тамаддуннинг ушбу тўлиқ цикли ўзининг уч босқичи билан тамаддуннинг ҳаётий энергиясини ва унинг бир босқичдан иккинчисига қандай ўзгаришини намоёиш этади, деб ишонган. Тамаддун эволюциясининг ҳар бир босқичини билиш ва унинг хусусиятларини англаш бизга ривожланиш ҳамда эволюциянинг умумий асосларини беради.

Беннабининг жамиятларни туркумлашига асосланиб, инсоният ўзини жамияти ҳаётининг бирон-бир фазасига тегишли деб ҳисобламайди. Бунинг ўрнига, у ривожланишнинг психологик ижтимоий кадриятларини кузатиб, бир вазиятдан иккинчисига ўтади. Шу сабабли, ривожланиш йўлида жамиятнинг мавқеини билиш ушбу жамиятнинг босқичини, унинг билан боғлиқ муаммоларни ва ютуқларни аниқлаш учун ажралмас ҳисобланади.

Ривожланиш босқичларини акс эттирувчи йўлда тарихий жамият маълум бир жойни эгаллайди, дейди Беннаби. Тарих учта босқичнинг мавжудлигини очиб беради: тамаддундан олдинги жамият, тамаддунга эришган жамият ва тамаддундан кейинги жамият. Ҳар қандай лаҳзада ҳар бир жамият ушбу учта аниқ босқичнинг бирида бўлади ва ўзига хос қадриятлар билан тавсифланади. Беннаби тамаддун масалаларини тушуниш методологияси учун тарих, жамиятшунослик ва психологияга эътибор қаратди. У ҳозирги мусулмон дунёсининг хусусиятларини кашф этиш учун жамиятнинг тарихий келиб чиқишини тушунтириш учун ижтимоий-психологик талқинни қўллаган.

Беннаби тамаддундан олдинги жамиятдаги шахсни Пайғамбар Муҳаммад (С.А.В.) даврида араб бадавийлари каби тамаддун циклига киришга тайёр бўлган табиий одам (хомонатура) деб ҳисоблаган. Тамаддунга етишмаган жамият тамаддунни рағбатлантириш учун ҳаракатлантирувчи кучга муҳтож. Жамият тамаддуннинг бошланғич элементларига (инсон, тупроқ ва вақт) эгалик қилса ҳам, улар диний ғоянинг кучисиз ҳаракатга келтирилмайди. Диний ғоя доирасида инсон, тупроқ ва вақт ўртасидаги ўзаро таъсирсиз жамият ўз тамаддун жараёнини бошламайди ёки психо-ижтимоий ўзгаришларга гувоҳ бўлмайди.

Шахс ва жамиятнинг психо-ижтимоий ривожланиши тамаддун ҳаракатига имкон беради, чунки жамиятнинг имкониятлари ижтимоий лойиҳасига қаратилган. Маданиятли жамият ўз мақсадларига эришиш учун ўзини ўзгартира бошлаганда, унинг тамаддуни пайдо бўлади. Тамаддунлашган босқич жамиятнинг ўз дунёқараши ва маданиятини тартибга солиш ҳамда шакллантириш қобилиятини акс эттиради. Инсон тамаддун жараёнини бошлашга тайёр бўлганда, ижтимоий муносабатлар тармоғи энг кучли бўлади. Шу нуқтаи назардан, жамият ўз тамаддунини ҳимоя қилиши ва ривожланиш суръатини сақлаб туриши мумкин. Ушбу босқичдаги барча шахслар жамият ҳимоясидан баҳраманд бўлишади ва жамият ўзининг тамаддун функциясини бажаради.

Жамият тамаддундан кейинги босқичга ўтгач, ривожланмайди балки таназзулга юз тутиб, ривожланиш қобилиятини йўқотади. Бинобарин, диний ғоя тамаддун қадриятларини синтез қилишни тўхтатади ва ижтимоий муносабатлар тармоғи бузилади. Шунга қарамай, йўқ бўлиб кет-

майди. Бошқа бир тамаддун ҳаракати жамиятни бу тақдирдан қайтариши ва таназул йўлини ўзгартириши мумкин. Жамият ўзининг маданий доирасини йўқотгандан сўнг, унинг ғоялари хаос ҳолатига келади ва маданияти ривожланмайди. Беннаби олимлар орасида босқичларнинг чалкашлиги ва уларнинг хусусиятларини нотўғри тушунишини таъкидлади. Босқичларнинг чалкашиши жамият муаммоларини ҳал қилиш учун ҳар қандай ҳаракатни мураккаблаштиради.

Беннаби ҳозирги босқичдаги муаммоларни учинчи босқичда кўриб чиқиш орқали мусулмон оламидаги муаммоларни ечишга ҳаракат қилди, бу ерда жамият бошқа босқичларга нисбатан асл фикрини ёки хатти-ҳаракатини йўқотди. Муаммоларини ҳал қилиш учун жамият тамаддундан кейинги одамнинг хусусиятларидан озод бўлган янги одамни яратиш орқали ўзига хослик ва ривожланиш ҳаракатларни тиклаши керак. Кейин у вақт ва тупроқ билан янги синтезга кириши ва диний ғояни ўзида мужассам қилиши мумкин. Беннаби бизнинг тарихий босқичимизни ва қоқоқлик ёки ривожланиш сабабларини билиш зарурлигини таъкидлади. Ижтимоий муаммолар тарихийдир: жамият учун маълум бир ривожланиш босқичида қулай бўлган нарса бошқа босқичда зарарли бўлиши мумкин.

Беннаби, шунингдек, жамият эволюциясига психо-ижтимоий нуқтаи назардан ёндашди ва жамиятнинг учта ривожланишининг психо-ижтимоий даври тушунчасини киритди: объектлар ёши, одамлар ёши ва ғоялар даври. У одамлар, объектлар (нарсалар) ва уч аср назариясига маъно берадиган ғоялар ўртасидаги диалектик муносабатларнинг умумий тушунчасини тақдим этди. Беннабининг таъкидлашича, ҳар бир жамият ўзининг мураккаб маданий оламига эга бўлиб, у ерда объектлар, шахслар ва ғояларнинг жамият билан келишилган ҳаракати орқали бирлаштирилган. Битта соҳа бошқа икки соҳадан ҳар доим устундир.

Жамият ўзининг биринчи даврида ўз ҳукмлари ва қарорларини объектлар олами белгилаган мезонларга мувофиқ шакллантиради. Ҳукмларнинг табиати ва сифати инсоннинг ибтидоий эҳтиёжларига бўйсунди ҳамда уни объектлар билан асослайди. Беннабининг таъкидлашича, инсоният жамияти объектлар даврини тамаддундан олдинги ва тамаддундан кейинги босқичларда бошдан кечиради. Бугунги мусулмон жамиятида бу психологик, ахлоқий, ижтимоий, интеллектуал ва сиёсий

даражаларга таъсир қилади. Психологик ва ахлоқий даражаларда, маданият объектларга қаратилган бўлса, «объект» кадриятлар миқёсининг юқори қисмида туради, ҳукм сифат жиҳатидан эмас, миқдорий бўлади ва ҳамма нарса кадриятлар эмас, объектлар ўлчови билан баҳоланади.

Иккинчи асрда жамият ўз ҳукмларини объектлар эмас, балки шахслар оламидан келиб чиққан ҳолда инсон модели ёки намунаси стандартлари асосида шакллантиради. Ушбу асрда нарсалар ва ғоялар инсонлар дунёсига ҳамроҳ бўлиши керак. Беннаби Жоҳилият (Jāhilī – исломгача яшаган араблар) жамиятини қабилалар билан чегараланган ва ғояларни марказлаштиришнинг намунаси сифатида тақдим этди. Ҳозирги вақтда мусулмон жамиятида объектлар ва шахслар деспотизми ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжуд бўлиб, Беннаби таъкидлаганидек, ахлоқий ва сиёсий даражада зарарлидир. Ушбу муаллиф уч аср назарияси тарих давомида жамият ҳаракатини ўлчаш ва жамиятнинг ривожланганини ёки таназзулга учраганлигини билиш учун маълум бир вақтда жамиятнинг етакчи кадриятларини ўлчаш учун муҳим восита деб ҳисоблайди. Жамият ҳаракати объектлар олами шахслар ва ғояларнинг икки соҳаси билан аралашадиган бирлашган фаолият сифатида қаралиши керак. Бир соҳа ҳар доим қолган иккитаси устидан ҳукмронлик қилади, фикрлаш ва ҳуққ-атвор жиҳатидан бир жамиятни бошқасидан ажратиб туради.

Уч аср назарияси жамиятнинг психологик ижтимоий етуклигини, унинг тамаддун жараёнининг йўналишини, фаолиятини ташкил этишини ва тарих давомида кадриятларни босқичдан босқичга ўтказишни ўлчаш учун ўлчов сифатида ишлатилиши мумкин эди. Қолаверса, бир соҳанинг бошқа иккитаси устидан ҳукмронлиги жамият ўзининг тарихий ҳаракатида қаерда жойлашганлигини кўрсатади. Ёшлар жамият ривожланишининг исталган нуқтасида ҳукмронлик қиладиган ва таъсир кўрсатадиган ижтимоий кадриятларни ва маданий муҳитни акс эттиради. Беннаби мусулмон дунёсини янги тамаддун жараёнига киришиш учун кураш олиб борадиган тамаддундан олдинги босқичга қўйди. У тамаддуннинг тарихдаги динамик жараёнини ҳар томонлама англаш учун турли даражадаги таҳлиллар орқали унинг ҳаракатини изоҳлаган. Унинг цикллар, уч босқич ва уч давр ҳақидаги тушунчалари битта ҳодисани кўп даражали таҳлилидир.

Жамиятнинг тамаддун жараёнида ривожланиши сифат ва миқдор жиҳатидан қайд этилган, дейди Беннаби ўзининг ижтимоий муносабатлар тармоғида, бу жамиятнинг ўз тарихи давомидаги босқичларини кўрсатади. Унинг таъкидлашича, ҳар қандай тамаддун жараёни унинг учта соҳаси ривожланишидан олдин бошланади. Шахслар шохлигининг шаклланиши ижтимоий муносабатлар тармоғини шакллантиришнинг дастлабки шартидир. Жамият ғоялар ва объектлар ҳали ҳам содда бўлган ҳолида фаолият юритади. Шахслар олами кейинчалик муносабатларнинг янги тартибида ўзгаради ва бирлашади. Бошқа иккита ғоя ва объектлар ҳали тайёр бўлмаса ижтимоий алоқалар тармоғи ишлай бошлайди.

Ғоялар соҳаси ижтимоий муносабатлар тармоғи билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ижтимоий ҳимоячининг ролини ўйнайди. Жамият қайта тиклашни амалга оширади, бу эса ижтимоий муносабатлар тармоғисиз мумкин эмас. Фақатгина ғоялар соҳаси тамаддуннинг ривожланиши ёки таназулини оқлай олмайди. Аксинча, у ижтимоий муносабатлар тармоғи билан бирлашиши керак. Жамият тарихи – бу дастлаб диний ғоя томонидан яратилган ижтимоий муносабатлар тармоғининг тарихидан бошқа нарса эмас.

ТЎРТИНЧИ БОБ

Беннаби Тамаддунга ёндашувининг асослари: ички-ижтимоий ўлчов

Рицернинг ички-ижтимоий ўлчов таърифидан фойдаланган ҳолда, ушбу бобда омилларнинг Беннаби ёндашувига таъсирига эътибор қаратилган. Беннабининг таржимаи ҳолида оз маълумот ёзилган ва улар 1905-йилда туғилганидан 1939-йилгача бўлган даврни ўз ичига олади. Унинг ҳаётини қолган қисми чекланган манбаларда унинг китоблари, замондошларининг асарлари ва ўз даврининг тарихий ёзувларида берилган.

Малек Беннаби 1905-йилда Жазоир шарқидаги камбағал оилада туғилган. Унинг шахсиятини шакллантирган исломий муҳит Жазоир мусулмонларининг маданиятини ва тамаддунини мустамлакачилик босими остида ҳимоя қилди.

У «Бувимнинг дин ҳақидаги ҳикоялари онгли равишда менинг шахсиятимни шакллантирар эди ва мен уларнинг барчасида садоқат исломий қадриятлар ҳамда ахлоқнинг ўсиши мавжудлигини ўргандим», – деган.

Франция ҳукмронлиги остида у кўплаб маҳаллий оилаларнинг, шу жумладан, ўз қариндошларининг Жазоирдан шарқий араб мамлакатларига кўчиб кетишининг гувоҳи бўлган. Мустамлакачилик ҳукмронлигига қарши бу норозилик Жазоирнинг ижтимоий ва иқтисодий тузилишини кескин ўзгартирди. Анъанавий исломий муҳит таназулга юз тутди, анъанавий ҳаёт парчаланиб кетди ва жамоавий ҳаёт хавф остида қолди. Беннаби ижтимоий муносабатларнинг, оиланинг микродаражасини ва жамиятнинг макродаражасини аҳамиятини англаб етди.

Беннабининг жамоасида анъанавий муассаса бўлган *Завияҳ* (*zāwiyah*), таълим ва расмий араб адабиёти сингари мусулмон тамаддуни таназулга учраганидан кейин ислом таълимотларини сақлаб қолишда ҳал қилувчи рол ўйнади. Ривоятчилар оммавий маданиятни сақлаб қолишган, масжид ва *мадраса* ҳам Беннабининг таълимида ҳал қилувчи роль ўйнаган. У араб тили грамматикасини, адабиётини, шеърятини, ҳуқуқшуносликни ва илоҳиётшуносликни ўрганган.

Биринчи китобида Беннаби Қуръоннинг асосий мавзуларини қайта талқин қилди ва турли хил ижтимоий ва маданий соҳалардаги назарияларини ишлаб чиқди. Унинг дин ҳақидаги асосий тезисида унинг моҳияти ва ҳар қандай тамаддун жараёнида тугган ўрни таҳлил қилинди. Беннаби учун дин олами тартибида инсон руҳини тавсифловчи қонун сифатида муҳрланган. Кейинчалик Беннаби Францияда кўплаб мусулмон мутафаккирлари ва фаоллари билан учрашганда, Исломни умуминсоний нуктаи назардан кашф этди. У Исломни дин, турмуш тарзи, ижтимоий генератор, маданият ва тамаддун деб билган.

Мусулмон дунёсидаги таълим муаммоси Беннаби учун асосий муаммо эди. Жазоирда мустамлака мустабид ҳукмронлиги даврида тасаввур, методология, воситалар ва функциялар етарли эмас эди. Иккита таълим тизими унинг онги ва қалбида анъанавий тизимнинг таназулга учраши ва замонавий (француз ва ғарбий) таълим тизимининг ривожланиб бориши сабабларини излашга ундади.

Биринчиси жуда ёмон ҳолатда бўлса, иккинчиси ривожланиб борар эди. У ривожланган методологиялар ва аниқ тасаввурга эга бўлиб мустамлака режимининг ҳимоясига эга бўлди. Шунга қарамай, унинг дунёвий қарашлари ва ғарбий мақсадлари Беннабининг бутун ҳаёти ва фаолияти давомида унинг эътиборини ўзига жалб қилган иккиламчи бўлган мусулмон тамаддунига зид эди.

Беннаби Европа ва Мусулмон Жазоир муҳотида ҳаётда ва фикр юриштида юз берадиган ўзгаришларни кузатиб қайд этди. Бу икки контекст унинг табиат ва тамаддун одами ҳақидаги тушунчаларига таъсир кўрсатди. У мусулмон интеллектуал доираларида янги фикрлаш тенденцияларини бошдан кечирди. *Улама* ('*Ulamā*') ҳаракати Жазоир жамиятида жамият ислохотларига тегишли ёндашув ва услубда мисли кўрилмаган эди.

Беннабининг мустамлака Жазоир фуқароси сифатида келиб чиқиши, иккита таълим тизимида талаба бўлганлиги ҳамда европалик мустамлакачилар билан алоқаси унинг мустамлака ва мустамлакачи ҳақидаги ғояларини шакллантирди ва бугунги мусулмонларнинг психологик ҳолатини таҳлил қилиш воситаси сифатида «мустанлака» тушунчасини шакллантирди. Беннабининг Европа тафаккурини билиши унинг интеллектуал, сиёсий онгини оширди, шунингдек, унинг қизиқиши муҳандисликдан фалсафа ва ижтимоий фанларга, сўнгра мусулмон ислохотчилар фикри, мустамлакадан озод бўлиш ҳаракати Жазоирда ва мусулмон дунёсидаги тикланиш ҳаракатларига ўтди. У Жазоирдаги *Улама* ҳаракатининг аҳамиятини англаб етди ва *Мағрибда* (Шимолий Африка) ислохот бирлиги ғояларини тарғиб қилди. Беннаби *Уламанинг* озод ва мустақил Жазоир жамияти учун олиб борган ислохотчилар ҳаракатидан таъсирланди, токи улар сиёсатчиларга ижтимоий етакчиликни бўшашиб бергунга қадар. У сиёсий фаолликдан кўра таълим ва маданий тадбирларнинг муҳимлигига ишонган.

Мисрдаги сиёсий қочқин сифатида Беннаби зиёлилар ва анъанавий муассасалар билан алоқаларни ўрнатди, араб зиёлиларига мусулмон умматида тамаддуни янгилаши ҳамда қайта тикланиш масалаларига эътибор қаратишларига таъсир кўрсатди. Беннаби 1971-йилда Жазоирда вафот этди ва ҳозирги замонда Жазоирнинг энг буюк мусулмон мутафаккири сифатида ўз меросини қолдирди.

Беннабининг алоқаларини *Ми* (*Му*) ўзининг ички ижтимоий ўлчовида аниқлаган. У ривожланмаган мураккаб масалаларни ҳал қилиш учун мусулмон ва ривожланаётган дунё зиёлилари билан жамоавий иш олиб боришга ҳамда мустаҳкам алоқаларга ишонган. Унинг *Улама* томонидан намоёйиш этилган мусулмон дунёсидаги ислохотчилар ҳаракати билан яқин алоқалари бўлган.

Беннабининг исломга содиқлиги ва Ибн Холдунни ижодига қизиқиши унинг мусулмон зиёлиларининг ўзларини Ғарб маданиятига нисбатан паст даражада таҳлил қилишига асос бўлди. Унинг сўзларига кўра ал-*Муваҳҳид* (*al-Muwaḥḥid*) даври туфайли анъанавий маданият зиёлилари (*Улама*) тарихдаги муҳим миссиясини бажара олмадилар. *Уламо-лар* ислом таълимотларининг поклиги ва сақланишига эътибор қаратди, шунингдек, руҳ ва тафаккурни ал-*Муваҳҳиддан* кейинги маданиятни янги маданиятга ўзгартиришга ҳаракат қилди.

Беннаби Ибн Таймия, Ибн Халдун ва Ибн Абдулваҳҳоб каби баъзи дастлабки мусулмон олимлари ва ёзувчиларининг таъсирига тушиб, ўзини бу ислохотчилар занжирининг маҳсули деб билган. Бошқа араб мамлакатларидаги тажрибасидан сўнг у бошқа диний ғояларни ўз ичига олган ҳолда таҳлилини кенгайтирди ва ижтимоий ҳодисалар ҳамда тарихий ўзгаришларда диннинг ролини ҳар хил тушунтиришларни ўрганиб чиқди.

БЕШИНЧИ БОБ

Беннаби Тамаддунга ёндашувининг асослари: ташқи-ижтимоий ўлчов

Метаназариянинг ёндашувига кўра ташқи ижтимоий омиллар макродаражани таҳлил қилишга қаратилган бўлиб объектив жиҳатларни ҳал қилади. Улар институтларни ва тафаккурнинг тарихий илдиэларини ўрганишади. Ушбу омиллар *Ми* (*Му*)нинг ўлчовини белгилайди, бу эса катта жамият ва унинг назария ривожланишига таъсирини кўриб чиқиш учун макродаражага ўтади. Ташқи ижтимоий ўлчов назарий жараён ва жамиятнинг турли институтлари, тузилмалари, ёндашуви ёки назариянинг ривожланиши билан бевосита ёки билвосита алоқада бўлган бошқа

ижтимоий фаолият ўртасидаги муносабатни таъкидлайди. Беннаби жамиятшунослик ёрдамида катта ижтимоий-тарихий контекстни англаш учун мустамлака ва ундан озод бўлиш шароитида мусулмон тамаддуни муаммоларини ҳал қилишни мақсад қилган. Беннаби мустамлакачилик Ғарбнинг бутун тамаддуни дастурининг бир қисми деб ҳисоблайди ва ичкаридан унга тўғри келадиган жавобга муҳтож.

Ғарб антропология, археология ва жамиятшунослик фанлари маҳаллий, варвар ва ибтидоий халқларни маданийлаштириш бўйича даъво қилинган тамаддуннинг миссиясини амалга оширишга ёрдам берди. Бундай атамалар мустамлака қилинган халқлар ва тамаддунларни ифодалаш учун ишлатилган. Бу экспансия ва ҳукмронликни келтириб чиқарадиган бегона меъёрларга орқали дихотомик (иккиламчи) фарқлашни келтириб чиқарди. Бу эса ўз навбатида одамларни ва мусулмон мамлакатларини этник ва лингвистик йўналишларда турларга ажратиб, Умнат бирлигини бузиш хавфини туғдирди.

Мустамлакачиликкача бўлган Жазоир жамияти ўзининг тамаддундан кейинги босқичида эди. Ижтимоий жиҳатдан у бутун мустамлака даврига қараганда юқори даражада ривожланиб борган. Жазоирда уйғун ҳаёт, сиёсий барқарорлик, иқтисодий тараққиёт, маданий ижодкорлик, ижтимоий тотувлик ва саводхонлик мавжуд эди. Унинг *Улама* асари илми ва ислом таълимотларини тарқатди, ҳамда Жазоирнинг ўзига хослигини сақлаб қолди.

Афсуски, ривожланиш ва фаровонлик давом этмади. Мустамлакачилик ҳаракати Жазоир жамиятининг келгуси авлодларида из қолдирган тўртта муҳим босқични босиб ўтди. Фатҳ ва қаршилиқ кўрсатиш босқичи (1830-1848) Франция томонидан «чекланган босиб олиш» сиёсати билан бошланди. Ушбу сиёсат жазоирликларни ривожланишдан чеклаш ва уларнинг ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий ва диний тузилишини ўзгартиришга қаратилган эди.

Иккинчи қаршилиқ босқичи ва мустамлакачиликнинг кучайиши (1847-1871) Жазоирни иккига бўлди ва маҳаллий жазоирликларни бўйсундирди. Умумий мустамлака ва маҳаллий бирлашиш босқичи (1871-1919) Жазоир мусулмонларини янада қийнади ва кўчманчи аҳолини сонини

орттирди. Жазоирнинг уйғониш босқичида (1919-1962) мустамлакачилик авжига чиқди, маҳаллий исломий ва сиёсатчилар орасида Пан-Исломий ислохот ва тикланиш пайдо бўлди.

Нихоят, асрлар давомида жазоирликларга жамоавий ўзига хослик туйғусини бериб келган Исломнинг кучли даъвати 1920-1930-йилларда янгидан ҳаракатга келтирилди. Мустамлакачиликнинг тўртинчи босқичида маҳаллий аҳоли ва мустамлакачилик бошқаруви ўртасидаги зиддият энг танг аҳволга келди.

Беннабининг фикрига кўра, Жазоир Ислом тамаддунининг улуғвор тарихи ва стандартлари билан таққослаганда уч аср давомида бетартибликлар ичида яшади. Хаоснинг ички ва ташқи томонлари мустамлака қилишни ва мустамлака бўлишни диалектикасини ташкил этади. Беннаби учун мустамлакачилик ҳаётнинг барча соҳаларида бевосита иштирок этиши билан бетартибликка ҳисса қўшди. Мустамлакачилик мақсадларини амалга ошириш учун, айниқса мусулмон дунёсида, мустамлакачилик жамиятнинг таркибий қисмлари ўртасида сунъий дихотомияни (иккиламчилиқни) ўрнатиш орқали ҳар қандай тамаддун жараёнини тўхтатишни мақсад қилган.

Бунга жавобан Жазоир миллатчилиги Уламоларнинг интеллектуал-диний даражадаги икки томонлама саъй-ҳаракатлари билан ўсди ва сиёсатчилар томонидан рағбатлантирилди, Беннаби парадигмаси билан мустамлакадан озод бўлишнинг икки субпарадигмаси: ислохотчи ва модернист ўртасидаги ўхшашликни намойиш этди.

Беннабининг таъкидлашича, мустамлака муаммоларини ҳал қилиш учун биз интеграл муаммолардан бошлаб бутун инқироз асосида асосий масалаларни ҳал қилишимиз керак. Беннабининг тамаддун парадигмаси таққослама асос сифатида тамаддун доирасида инсон шароитлари ва ижтимоий ўзгаришларни таҳлил қилади.

ОЛТИНЧИ БОБ

Беннаби Тамаддунга ёндашувининг асослари: ички-интеллектуал ўлчов

Ушбу тадқиқот метаназариянинг учинчи ўлчовини ташкил этувчи ички интеллектуал омилларни *Ми (Му)* субтипида муҳокама қилади. Бу когнитив омилларни ўрганишни тамаддун соҳаси билан боғлайди ва мусулмон дунёсидаги муаммоларни ҳал қилиш учун Беннабининг ўрганиш соҳасига киради. У мавжуд бўлган назарияларни таҳлил қилиш ва янгиларини ишлаб чиқиш учун асосий билим парадигмаларини, тафаккур мактабларини, парадигманинг ўзгаришини ва умумий метаназария воситаларини аниқлайди.

Тамаддунни ўрганишда иккита парадигма ҳукмронлик қилди: тарих фалсафаси ва ижтимоий фанлар. Беннаби тамаддунни ўрганишни методология ва тушунчалари ижтимоий фанлардан келиб чиқадиган ноёб соҳа деб ҳисоблади. Қуръонни билиш ҳамда динларни ўрганиш билан у материалистик ва дунёвий билим тушунчалари ҳамда тарихий ўзгаришлардан қочиши мумкин эди. Ушбу тадқиқотда *Ми (Му)*нинг ички интеллектуал ўлчовидан фойдаланиш Беннабининг тамаддунни ўрганишда доминант парадигмалар тўғрисида маълумоти борлигини аниқлашга ёрдам берди. Ушбу бобда баъзи фикрларни асл мутафаккирларга етказиш учун таркибни таҳлил қилиш қўлланилади. Доминант парадигмалар, турли хил мактаблар ва истиқболларни таҳлил қилиш Беннаби тушунчалари, атамалари, усуллари ҳамда уларнинг келиб чиқиши билан боғлиқ соҳалар ҳамда унинг ҳаёти ва мавзу тарихи давомида доминант тафаккур мактаблари билан боғлиқлигини ўрнатади.

Тарих фалсафаси парадигмаси доирасида учта мактаб тамаддунни ўрганишни ўзаро боғлиқ парадигмалар билан бўлишадилар: циклик кўриниш, тараккиёт тасавури ва турли инсонларнинг оддий қарашлари. Парадигмалар инсоният шароитидаги тарихий ўзгаришларнинг асосий қарашларини ва тарихий ўзгаришларнинг қонуниятларини сезиш ҳамда назарийлаштириш орқали тамаддун масаласига ёндашган асосий мактабларни шакллантиради.

19-аср тарихий тараққиёт мактаби, унинг Ҳегел, Конте ва Маркс каби етакчи олимлари тарихни ривожланган деб билганлар ва Беннабининг тамаддунни ўрганишига ҳисса қўшишган. Ҳегелнинг диалектик услубида тарих – бу тамаддун ва инсон эркинлиги тараққиётининг ҳикояси сифатида берилган. Тарихий тараққиёт мактабининг бошқа етакчи арбоби бўлган Маркс, Ҳегел фикридан илҳомланган. Гегел онг диалектикасидан фойдаланса, Маркс иқтисодий воситалар диалектикасидан фойдаланди.

Тараққиёт таъсирида Комт Дарвиннинг эволюция назариясини ва физика фанлари ривожланишини инсон шароитлари ҳамда тарихий ўзгаришларга татбиқ этди. Ушбу тадқиқот доирасида мактабнинг асосий ҳиссаси тарихий ҳаракат, унинг босқичлари ва сабабларини тушунтиришдир.

Беннабининг таъкидлашича, тарихчиларнинг аксарияти ушбу воқеаларни оқилона талқин қилиш учун асос яратишдан кўра, тарихий воқеаларни йиғишга ҳаракат қилган. У Ҳегел қарама-қаршилик ёки диалектика тушунчаси билан ижтимоий ўзгаришларни келтириб чиқарадиган қарама-қарши сабаблар иқтисодий деган марксистик ғоя ўртасида боғлиқликни кўрди. Беннаби Ҳегелнинг ғояларини ўзгаришларнинг катализатори сифатида тан олди ва марксистларни диалектик таҳлиллари учун мақтади. Беннаби Маркснинг инсон эҳтиёжлари назарияси тамаддунни пайдо бўлиш динамикасини тушунтириб бера олмайди, деб ҳисоблаган.

Беннаби тарихий тараққиёт мактабини тарихий бўлишидан кўра кўпроқ назарийлигини ва унинг евромарказий асосини танқид қилди. Мактаб тарихий ўзгаришларнинг баъзи ўзгарувчиларига эътибор қаратди ва кўп қиррали ҳодиса сифатида тамаддун мураккаблигини эътиборсиз қолдирди. Унга Ибн Холдун ва Тойнби етакчи олимлар бўлган мактаб таъсир кўрсатди. Беннаби ўзини бу усул ва методологиянинг давомчиси деб билган. Мактаб тарихий ўзгаришдаги шаклларни ажратиш турди ва ушбу шаклларни циклик назария сифатида киритди. Олимлар тарихчилар маълумотларини ўрганиб чиққандан сўнг тарихий ўзгаришларнинг универсал шаклларига эришдилар.

Муқаддима асарида Ибн Холдун тарих қонунлари ва қонуниятларини биринчилардан бўлиб аниқлаган. Унинг жамиятдаги моҳияти ва ижтимоий

ўзгаришларни ўрганиши уни *Илм ал-Умран* (*‘Ilm al-‘Umrān*) деб номлаган тамаддун илмини ривожлантиришга олиб келди, бунда авлодлар ва жараёнлар тамаддун йўналишига ҳисса қўшади. Унинг *Асабияҳ* (*‘Aṣabiyyah*) тушунчаси – бу сулолалар ва давлатларнинг пайдо бўлиши, ўсиши ва парчаланишидаги тарихий ўзгаришларга туртки берувчи кучдир.

Тойнби жаҳон тарихига тамаддунларнинг кетма-кетлиги сифатида қараган ва уларни диалектик чақириқ ва жавобнинг натижаси, ўсиш ва пасайиш босқичлари деб ҳисоблаган. У тамаддун табиатини тарихий ўзгаришларни ўрганишнинг «бутун» ёки тушунарли бирлиги сифатида таъкидлади. Ибн Холдун каби у ҳам парчаланиши ва таназзули билан тугаши керак бўлган тамаддуннинг жараёнини назарийлаштирган детерминист эди.

Қатор олимлар Беннабий ўзининг ғоялари, услуби ва ташвишлари билан иккинчи Ибн Холдун эканлигига қўшилишади. Тарихдаги сабабийлик тушунчалари ҳам, тамаддун цикли ҳам Беннабининг эътиборини тортди. У циклик ҳаракат тушунчаси прогрессив ривожланиш шартлари ва таназзул омилларини муҳокама қилишга имкон беради деб ҳисоблаган. Беннаби тамаддунни тарихий ўрганиш бирлиги сифатида қўлланиш учун Ибн Холдуннинг ижтимоий-тарихий изланишидан анча илгари кетти. Тойнбининг тамаддундан тарихий таҳлил бирлиги сифатида фойдаланиши, цикл ҳақидаги тушунчаси, кийинчилик ва жавобни шакллантириши Беннабининг ёндашувига ҳам таъсир кўрсатди.

Беннаби ўз давридаги ижтимоий воқеаларни таҳлил қилиш ва тамаддун жараёнида диннинг ролини муҳокама қилиш учун ижтимоий фанлар методологиясидан фойдаланган. Беннаби учун жамиятшунослик ва психология мусулмонларнинг қайта тикланишини бошлаш учун зарур эди. У динни ижтимоий кадриятларнинг синтезатори ва тамаддуннинг динамик ўзаро таъсирга киришиш катализатори деб билган. Беннаби инсонни ўзгаришларни бошлайдиган тамаддуннинг асосий воситаси сифатида қаради. У тарих фалсафаси ва ижтимоий фанларнинг иккита асосий парадигмасидан, учта мактабдан ва тамаддунни ўрганишда турли хил ёндашувлардан норози эди.

ЕТТИНЧИ БОБ

Беннаби Тамаддунга ёндашувининг асослари: ташқи-интеллектуал ўлчов

Метоназариянинг ёндашувдаги тўртинчи ўлчови назарияни таҳлил қилишда ғоялар, воситалар, тушунчалар ва назариялар учун бошқа фанларга муқобил сифатида ташқи интеллектуал омилларни ўз ичига олади. Ташқи интеллектуал ўлчов анъанавий равишда тамаддун тадқиқотлари учун ташқи деб ҳисобланадиган фанларнинг ва тадқиқот соҳаларининг таъсирига қаратилган. Беннаби мисолида бу ташқи интеллектуал ўлчов Қуръон ва суннат, мусулмон дунёсидаги диний ислохотчи фикр, психология, табиатшунослик, фалсафа ҳамда бошқа интеллектуал фаолиятнинг тамаддуни ўрганиш ва унинг иккита анъанавий доминант парадигмалар таъсирини ўз ичига олади.

Беннаби ижтимоий фанларнинг замонавий илмий кашфиётлари ва ишланмалари асосида Қуръон тафсири ҳамда талқинини яратди. Тарихий ўзгаришларнинг циклик назариясини тушунтиришда Беннаби Қуръонга диний ғоянинг тамаддун жараёнида ишлашини ва тарихдаги Қуръон тамойилининг ишончлилигини тушунтириш учун мурожаат қилди. У дин инсоннинг шахсини қандай ўзгартиришини ва тамаддун жараёнини қандай бошқаришини ўрганиб чиқди.

Беннабининг шиори Қуръон ояти эди: «Албатта, одамлар ўзларини ўзгартирмагунча, Аллоҳ ҳеч қачон уларнинг ахволини ўзгартирмайди». Тарихий ва инсон шароитидаги ўзгаришларда инсоннинг мавқеи ва инсон омилининг устунлигини таҳлил қилиш чегараланиб қолди. Беннаби тамаддун жараёнини бошлаш учун жамият инсоннинг табиий сушт ҳолатидан талабчан шахсга ўзгартириши керак, деб таъкидлади.

Қуръон тамойиллари бизга тарихий ўзгаришларни ва бу жараёнда диннинг ролини тушунишга ёрдам беради, тарихий изланишлар эса Қуръон тамойилларини исботлашга ёрдам беради ҳамда эмпирик исботларни тақдим этади. Беннаби модернистик фикрга ёки диннинг инсоният тамаддунидаги фаол ролини инкор этган дунёвийликка қарши чиқди. У барча Пайғамбарларнинг таълимотларида айтилганидек, Қуръон

ва Пайғамбар инсоният тамаддунининг ажралмас қисми эканлигини исботлашга интилди. Мусулмон дунёсидаги қоқоқлик муаммосини ҳал қилиш учун биз Қуръонда эслатиб ўтилган ва Ибн Холдуннинг тарихий ўзгаришларни цикл тушунчаларида, умуминсоний қонуниятлар ҳамда тарихдаги қонунлар билан изоҳланган доимий шакллари кўриб чиқимиз керак. *Ми (Му)* контекстида Қуръон ва суннат Беннаби тамаддунга ёндашувига таъсир қилувчи асосий ташқи интеллектуал омиллар эди.

Мусулмон дунёсидаги ислохотчилар фикри *ислоҳ, таждид* ва *наждат (iṣlāḥ, tajdīd, najdād)* (ислохот, янгиланиш ва қайта тикланиш) ғояларини қабул қилди, бу ҳаракатнинг ўзига хос белгиларидир. Улар 18-аср ўрталарида пайдо бўлган янги парадигманинг ифодаси эди. Ибн Абдул ал-Ваҳҳоб ҳаракати Исломнинг асл ва асосий дунёқарашини тиклашга интилди, бу ерда бирлик ғояси бошқа барча динамик тамойилларини қўллаб-қувватлайди. Мусулмон дунёсидаги ислохотчи фикрларнинг яна бир устози Ал-Афғони ҳам худди шу ислохотчилар парадигмасига кирган ва Исломнинг соф таълимоти ҳар қандай тикланиш ёки ислохоти учун зарур деган фикрда бўлган. Беннаби ушбу ҳаракатнинг асосий ғояларини унинг интеллектуал жиҳатларида қабул қилди.

Жазоирда ислохотчилар қоқоқлик билан ҳар томонлама курашишмади. Беннаби тамаддун жараёнига эришиш мақсади билан бирга инсон шахсини қандай ўзгартириш ва ривожлантириш мумкинлигини тушунишни истаб, тизимли ёндашув учун психологияга мурожаат қилди. У диний ғоялар ижтимоий қадриятларнинг синтезига қандай киришини ва инсоний қарашни қандай ривожлантиришни тушуниши керак эди.

Беннаби Фрейд ва Юнгани Пиаженинг ривожланиш психологиясини ўз ичига олган диннинг мавқеи ва вазифаси тўғрисидаги фикрини маъқуллаган. Беннаби диний ғоя инсон қалбини инстинкт қонунидан халос қилади ва уни руҳ қонунига бўйсундиради деб ёзган. Дин шахснинг хатти-ҳаракатларини унинг ҳаётий кучларига йўналтиради ва жамиятга умумий фаолиятни амалга оширишга имкон беради. Фрейд Беннабига диннинг инсон шахсиятининг ички томонини ўзгартиришдаги ва шахслар ҳамда гуруҳларнинг ҳаётий кучларини тамаддун жараёнидаги ижобий ролга йўналтиришдаги психо-вақтинчалик родини тушунишда ёрдам берди.

Тамаддун жараёнини бошқарувчи диний ғоя ўзининг динамик ролини йўқотганда, жамиятнинг тамаддун жараёни таназзулга учрайди ва ўз ғояси ёки архетиплари билан ҳамжиҳатликда фаолият юритишни тўхтатади. Гарчи Беннаби босқичлар назариясини асосан Ибн Холдундан олган бўлса-да, у замонавий ривожланиш психологиясини жамиятнинг психоижтимоий тараққиётини таҳлил қилиш учун қўллаган. Пияже таъсири остида у шахс ва жамият худди шу учта тарихий босқични бошдан кечираётганига ўхшайди деган фикрга келди: объектнинг ёши, шахснинг ёши ва ғоянинг даври.

Фалсафа Беннаби тамаддунга ёндашувига таъсир кўрсатадиган тўртинчи интеллектуал омил. Фалсафа, декартий тафаккури ва замонавийлик нутқи унинг ташқи манбалари, жумладан, Ибн Туфайл, Даниел Дефо, Ибн Рушд ва ал-Ғазолий ғоялари эди. Беннабининг Декартдан олган энг муҳим нарсалардан бири унинг аналитик усули эди. У тамаддуннинг таркибий элементларини ва ушбу элементларнинг тамаддун жараёнидаги функцияларини ўрганиш учун икки хил, аммо чамбарчас боғлиқ бўлган аналитик механизмларни қўллаган.

Беннаби тамаддунни кўп қиррали ходиса сифатида қараган кам сонли назариётчилардан бири эди. Унинг ҳиссаси муҳим ривожланиш, қарама-қарши парадигмалар қатори ҳисобланади. Беннаби тизим яратувчиси ва фанлараро ёндашув назариётчиси сифатида муҳим роль ўйнайди.

Ташқи-ижтимоий омиллар Беннабига тамаддунни ўрганиш учун бошланғич нуқтасини аниқлашга ёрдам берди. Ўз даврида Жазоирдаги ва мусулмон дунёсидаги вазиятдан хавотири уни жамият ҳамда Уммат дуч келган турли муаммоларни етарли даражада ҳал қилиш учун ёндашувни шакллантиришга ундади. Услубий даражада Беннаби тарихчиларнинг усулларини қўллаган бўлса, интеллектуал ва билим даражаларида тамаддуннинг учта асосий ўлчови: тарихий, ижтимоий ва маданий масалаларини ҳал қилиш учун турли илмлардан олди ва бирлаштирди.

Ташқи интеллектуал омиллар орасида Қуръон ва суннат, мусулмон дунёсидаги диний ислоҳотчилар фикри, психология, табиатшунослик, фалсафа ва бошқа илмий интеллектуал фаолият ҳамда унинг иккита анъанавий доминант парадигмалари мавжуд.

Беннаби томонидан ишлаб чиқилган тамаддунни ўрганишда интизомлараро ёндашиш учун ғоялар, ёндашувлар, назариялар, тадқиқот соҳаларини шакллантириш ва ривожлантиришда метаназария ёндашувини қабул қилиш билимларнинг генезиси ҳамда ўсишини ҳар томонлама тушуниш учун кўпроқ имконият бўлиши керак.

Муаллиф

БЕДРАНЕ БЕНЛАҲСЕН – Жазоир, Батна университетларида, фалсафа факультети, тамаддун изланишлари ва тарих фалсафаси кафедрасида ҳамда Саудия Арабистони қирол Файсал университетининг исломшунослик факультетининг санъат кафедрасида доцент. У Бennaби иши бўйича мутахассис бўлиб, бир қатор журналларда мақолалар чоп этган ва Жазоир, Марокаш, Саудия Арабистони ҳамда Малайзияда бўлиб ўтган конференцияларда Bennaби ва тамаддун тадқиқотлари бўйича маърузалар қилган. website: <http://drbadrane.com>

Халқаро ислом тафакқури институтининг китобларининг қисқача сериялари – бу китобнинг асл мазмуни тўғрисида ўқувчиларга тушунча бериш учун мўлжалланган, қисқача шаклда ёзилган институтнинг муҳим нашридир.

Таниқли Жазоир зиёлиси ва олими Малек Беннаби (1905-1973) мусулмонларнинг таназзулга учраши сабабларини ва Ғарб тамаддунининг ютуқлари ва уларнинг сабабларини ўрганиш билан шуғулланган. У назарийлаштирган асосий муаммо Қуръонда ёки Ислом динида эмас, балки мусулмонларнинг ўзларида деган фикрни илгари суради.

Ушбу тадқиқотда Беннабининг метаназария методологиясидан фойдаланган ҳолда тамаддунга ёндашувини тезисларини ўрганиш ва тамаддунни ички-ташки ҳамда ижтимоий-интеллектуал омиллар бошқариши ҳамда тамаддуннинг ўзи учун тенглама яратилиши мумкинлиги ҳақидаги назариясининг энг қизиқ элементларидан бири ҳақида кўшимча маълумот олиш учун ўрганади.

Беннабининг фикрига кўра, дин бу Инсон + Тупроқ + Вақт = Тамаддун тенграмасининг энг муҳим катализатори бўлиб, унинг аҳамияти мусулмонлар таназзулининг акси сифатида баҳоланади. Аниқ кўришиб турган нарса шундаки, Беннаби учун Инсон ҳар қандай тамаддун жараёнида марказий куч бўлиб, у ҳолда бошқа иккита элемент ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас.

Натижаларга келсак, Беннабининг шубҳасиз ва агар мусулмонлар руҳий ҳолатини, ўзларини ўзгартирмасалар, улар ҳеч қандай таъсир кўрсата олмайди деган ишончи, жамиятдаги мазмунли ўзгаришлар Қуръонда акс эттирилган оятда кўрсатилган: «Албатта, одамлар ўзларини ўзгартирмагунча, Аллоҳ ҳеч қачон уларнинг аҳволини ўзгартирмайди». (13:11)